



ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 4.9 / 2023

## ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛ ТЎПЛАШИ.

Донабаев А.А. қ.х.ф.н., катта илмий ходим. ИТПИТИ  
Абдурахимов Н.Н. доцент. ТАИРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада республикамизнинг жанубий минтақаси кескин континентал иқлим шароитида ингичка толали ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларининг шаклланиши, гуллаш динамикаси, уларнинг сони, кўсақларининг очилиши, жами шаклланган ҳосил элементлари ва тўкилиши бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Шунингдек қўлланиладиган агротехник тадбирларни тўғри ва мақбул муддатларда ўтказишнинг юқори ҳосил тўпланишидаги самарадорлиги ўрганилган.

**Калит сўзлар.** Ғўза, истиқболли, нав, ингичка толали, ўсимлик, илдиз, тизим, озуқа, бўйи, вегетатив, генератив, ҳосил элементлари, шона, гул, кўсақ, тўкилиш, ҳарорат, гармсел, нисбий намлик, меъёр, ҳосилдорлик.

Маълумки, пахта тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқларини хомашё билан таъминлайдиган техник экинлар сирасига киради. Текстил маҳсулотларини экспортбop қилиб чиқариш учун ўзимизда етиштирилаётган ғўза навларида уларни парваришига, айниқса тола сифати ва ҳосилдорликни оширишга жиддий эътибор бериш зарур. Бунинг учун бугунги кунда экилиб келинаётган ғўза навларидан тола сифат кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги юқори бўлган, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга бордошли, ҳосилни механизмда териб олишга мос бўлган навларни танлаб олиш ва уларнинг экин майдонини кенгайтириш зарур.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда асосий майдонларга селекционер олимларимиз томонидан яратилган, толаси жаҳон бозорида харидоргир, тезпишар, турли касаллик ҳамда табиатнинг ноқулай экстримал шароитларига бардошли, серҳосил ғўза навлари жойлаштирилмоқда. Лекин, ушбу экилиб келинаётган ғўза навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг турли тупроқ иқлим шароитларига мос бўлган агротехникасини ишлаб чиқиш тўлилигича ўз ечимини топаётгани йўқ.

Шу боис, ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган ҳар қандай янги, истиқболли ва районлаштирилган ғўза навларини парваришлаш агротадбирлари тизимини тупроқ-



иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда катта майдонларда жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизнинг жанубий минтақасида экилаётган ва кенг синовдан ўтаётган ингичка толали ғўзанинг янги навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплаши 1-жадвалда келтирилган.

Олиб борилган кузатув ва тадқиқотлар натижасига кўра май ва июнь ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлигида ғўза жадал ривожланиб, ўртача бир туп ғўзада 7,8-20,4 дона ҳосил элементлари, жумладан 2,7-3,2 донагача кўсаклар шаклланганлигини кўриш мумкин. Июнь ойи охириги ўн кунлигидан об-ҳаво ҳолати ўзгариб, ўта иссиқ кунлар бошланди, кундузи ҳаво жуда қуруқ ва ўта иссиқ бўлиб, 5-10 м/с тезликда гармсел шамолларнинг эсиши такрорланиб турди. Ғўзанинг гуллаш- кўсак етилиш фазасида минтақадаги қуруқ, иссиқ иқлим таъсирида шона чокларида ёриқлар пайдо бўлиб, эрталаб яшил, дуркун ҳолатдаги шоналарнинг тўкилиши қайд этилди. Кейинги кунларда (29-30.06) гул ва шоналарнинг тўкилиши кучайди. Июль ойи бошидан кундузги ҳарорат 46,5°C гача кўтарилиб, гармсел кучли шамолларнинг фаоллиги ошди. (5 кун давомида 10-19 м/с тезликда гармсел такрорланиб турди) ва экинларга жиддий талофат келтирди. Кузатилган ўта юқори ҳарорат 11 кун (23.06-04.07) давом этишидан аксарият ингичка толали ғўза навларида ҳам шоналарнинг ўсимлик танасида қуриб тўкилиши содир бўлди. Июлнинг 2чи ва 3чи ўн кунлигида ҳарорат (38,9-45,7°C) янада ортиб борди, куннинг ўртача ҳарорати ҳам 41,2-41,4°C ни ташкил этди. Юқори ҳарорат ва гармсел таъсирида ғўза навлари ривожланиши жадаллиги кескин сусайиб қолиши кузатилди.

Июль ойида иқлим ўзгаришлари таъсирида ғўза навларида 7,0-15,4 дона (26-48%) шона, гул ва майда кўсакларнинг қуриб қолиши, қўлланилган агротехник тадбирлар самараси натижасида 1-сентябрда ўтказилган фенологик маълумотларга кўра 19,7-24,2 дона кўсаклар сақланиб қолганлиги аниқланди. Ўта юқори ҳарорат кузатилган июль ойида қўлланилган агротехник чора-тадбирлар натижасида 13,0-17,1 дона кўсаклар қўшилганлиги (2-жадвал) аниқланди. Кўсакларнинг 50 % очилиши навлар бўйича 97,1-103 кунни (23-29 июлда) ташкил этди. (1-жадвал)






ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 4.9 / 2023

Ғўза навларида қисқа вақт ичида июнь ва июль ойларида жадал ривожланиш, етарлича ҳосил тўпланганлиги (19,7-24,2 дона кўсак) шоналарнинг кўсакка айланиши ва кўсақлар етилиб, дастлабки кўсақлар очилиши бошланганлиги қайд этилди. (2-жадвал)

1-жадвал.

Ингичка толали ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплаши.


Нав ва тизм алар	50% гул лаш	50% оч ил иш	01.06		01.07				01.08					01.09			
			бўй см	шон до на	бўй см	ҳо сил бўғи ни со ни	ҳо сил бўғи ни со ни	Жу мла дан кўс акл ар до на	бўй см	ҳо сил бўғи ни со ни	Жа ми ҳос ил эле мен ти до на	жумлада н		Тўк или ш кўл ами , до на	Кў са кл ар со ни , до на	Жумла дан очилга н кўсақл ар	
												Тўкилга н элемент лар	дон а			%	дон а
Ст. Сурх он-14	57.3	98.0	33.2	4.7	57.4	11.7	20.4	3.1	83.7	16.5	30.8	13.4	44	8.5-15.8	20.7	9.0	43
СП-1607	54.4	103	34.0	6.0	56.6	12.4	17.8	2.8	78.9	14.9	26.9	7.0	26	6.9-9.3	24.2	9.8	40
Терм из-202	58.9	98.9	35.2	4.8	61.6	12.3	18.3	2.7	82.2	16.8	30.2	11.7	39	8.0-14.1	22.0	8.1	37
Терм из-208	56.4	98.1	35.5	5.0	62.3	12.9	19.8	2.8	84.0	17.4	31.8	15.4	48	8.7-16.5	22.2	7.5	34





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 4.9 / 2023

Сурх ОН- 16	56.1	97. 1	37.7	4.4	60.8	11. 9	18.0	3.0	80.4	16. 1	31.9	15.2	47	8.8- 17.7	21. 8	8.9	4 1
Сурх ОН- 18	58.2	99. 0	36.6	5.3	61.9	12. 8	19.9	2.9	79.1	16. 9	32.2	15.2	47	8.0- 16.4	21. 4	8.8	4 1
Сурх ОН- 103	56.0	99. 5	33.7	5.8	54.4	11. 7	17.9	3.2	71.4	17. 9	27.8	12.4	45	6.8- 14.0	19. 7	9.9	5 0
Сурх ОН- 106	57.4	10 0	37.7	4.4	60.8	11. 9	18.2	3.0	89.4	16. 5	27.9	10.0	36	8.0- 11.7	21. 3	7.5	3 5
СТ- 1651	59.1	10 0	37.0	4.3	62.3	12. 7	17.8	2.7	83.0	17. 3	25.0	11.7	47	7.7- 12.7	21. 2	7.0	3 3






2-жадвал.

**Юқори ҳаво ҳарорати ва гармсел таъсирини камайтиришдаги агротехник тадбирларнинг ҳосил элементларини сақлаб қолишдаги самараси.**

Нав ва тизмалар	1.08								1.09					Ҳосилдорлик, ц/га			
	Жами ҳосил элементлари, дон а	жумладан кўсақлар, дон а	ҳосил элементлари	тўқилган ҳосил элементлари		июл ойида кўшилган		Жами ҳосил элементлари, дон а	жумладан кўсақлар, дон а	август ойида кўшилган кўсақлар, дон а	очилган кўсақлар		йиллар бўйича				
				дона	%	х/э дон а	кўсақ дона				дон а	%	2020 й	2021	2022	ўртача	
Ст.Сурхон-14	30.8	17.4	3.0	10.4	34	13.4	14.3	32.3	20.7	3.3	9.0	43	36.0	26.8	41.1	34.6	
СП-1607	27.2	19.9	2.3	5.0	22	8.3	17.1	28.2	24.2	4.3	9.8	40	37.2	37.2	41.8	37.3	
Термиз-202	30.2	18.5	3.7	8.2	27	11.9	15.8	32.8	22.0	3.5	8.1	37	37.5	29.6	44.6	37.5	
Термиз-208	31.8	16.5	4.0	11.4	36	15.4	13.7	31.9	22.2	5.7	7.5	34	37.7	31.7	46.5	38.6	
Сурхон-16	31.9	16.7	2.1	13.2	41	15.3	14.9	24.5	21.8	5.1	8.9	41	36.0	25.8	42.1	34.6	






ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 4.9 / 2023

Сурхон-18	32.2	17.0	2.5	12.8	40	15.3	14.1	28.9	21.4	4.4	8.8	41	34.0	34.0	39.0	35.7
Сурхон-103	27.8	15.4	2.0	10.4	37	12.4	12.2	22.4	19.7	4.3	9.9	50	29.6	29.6	34.0	31.1
Сурхон-106	27.9	17.9	3.4	7.0	25	10.4	14.9	27.4	21.3	3.4	7.5	35	35.1	33.2	39.0	36.0
СТ-1651	27.1	15.7	3.0	8.7	32	11.7	13.0	29.7	21.2	5.5	7.0	33	33.4	31.2	39.9	34.8

3-жадвал.

## Ингичка толали ғўзанинг янги навлари ҳосилдорлиги.

№	Навлар	I	II	III	ўртача
<b>2020 й</b>					
1	Ст. Сурхон-14	37,0	36,4	37,8	37,1
2	СП-1607	38,1	39,2	40,3	39,2
3	Термиз-202	39,9	39,0	40,4	39,8
4	Термиз-208	37,6	36,6	38,0	37,4
5	Сурхон-16	36,6	37,7	38,7	37,7
6	Сурхон-18	35,5	35,0	36,9	35,8
7	Сурхон-103	32,0	31,2	33,1	32,1
8	Сурхон-106	26,2	35,4	37,0	36,2
9	СТ-1651	34,0	36,3	36,2	35,5
<b>2021 й</b>					
1	Ст. Сурхон-14	40,2	38,8	39,3	39,4
2	СП-1607	43,5	40,4	41,4	41,8
3	Термиз-202	40,7	39,1	39,7	39,8
4	Термиз-208	41,2	39,7	40,0	40,3





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 4.9 / 2023

5	Сурхон-16	40,6	39,0	39,7	39,8
6	Сурхон-18	39,6	38,2	39,5	39,1
7	Сурхон-103	34,1	33,3	34,6	34,2
8	Сурхон-106	40,4	39,3	39,7	39,8
9	СТ-1651	38,8	37,2	38,3	38,1
<b>2022 й</b>					
1	Ст. Сурхон-14	36,3	34,7	36,9	36,0
2	СП-1607	37,4	36,2	37,9	37,2
3	Термиз-202	37,2	35,9	38,3	37,5
4	Термиз-208	38,0	36,6	38,5	37,7
5	Сурхон-16	36,3	35,6	36,1	36,0
6	Сурхон-18	33,5	33,7	34,8	34,0
7	Сурхон-103	29,5	28,9	30,4	29,6
8	Сурхон-106	34,1	35,2	36,0	35,1
9	СТ-1651	33,2	33,0	34,0	33,4

Ингичка толали ғўза навларидан куруқ ва ўта иссиқ иқлим, сув танқислиги шароитида тупроқни шудгорлаш, экиш, суғориш, озиклантириш ва бошқа агротехник тадбирларни мақбул муддат ва меъёрларда қўлланишида таклиф этилаётган ғўза агротехникасида ўсимликнинг илдиз тизими тупроққа чуқур кириб бориши ҳисобига тупроқнинг қуйи қатламлардаги нам ва озиқа элементларидан самарали фойдаланиши ҳамда вегетатив ва генератив органларнинг шаклланишидаги мутаносиблик эвазига юқори ҳосил, сифатли тола олиш мумкинлиги аниқланди. Тажрибада экилган ғўза навларидан 2020 йилда 32,1-39,8 ц/га, 2021 йилда 34,2-41,8 ц/га, 2022 йилда 29,6-37,7 ц/га ҳосил териб олинди. Жумладан 2020 йилда энг юқори ҳосил Термиз-202 навидан-39,8 ц/га, мос равишда 2021 йилда СП-1607 навидан- 41,8 ц/га, 2022 йилда эса Термиз-208 навидан -37,7 ц/га, олинди. Тадқиқот ўтказилган барча йилларда ҳосилдорлик бўйича энг паст кўрсаткич Сурхон-103 навида кузатилди. (3-жадвал.)



### Фойдаланилган адабиётлар

1.Аҳмедов Ж., Нуридинов А ва бошқалар. Танлов нав синовиди ўрганилган янги яратилган тизмалари ҳосилдорлиги ва қимматли хўжалик белгилари. Қишлоқ хўжалигида янги тежамкор агротехнологияларни жорий этиш. 274-278-б. Тошкент-2011.

2.Абдурахимов Н.Н. Ғўзани чилпишнинг ҳосил тугунчаларини сақлашдаги роли ва ҳосилдорликнинг ўзгариши. «Тупроқ унумдорлигини ошириш, ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришlashда манба тежовчи агротехнологияларни амалиётга жорий этишнинг аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман маърузалари тўплами. 182-184 б. Тошкент-2012.

3.Абдурахимов Н.Н., Б.Жўрақулов. Ғўзани чилпиш муддатларининг ўсимлик ёритилганлик даражаси ҳамда ҳосил элементлари пайдо бўлиши ва сақланиб қолишидаги роли. «Ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришlash агротехнологияларини такомиллаштириш» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалари асосида мақолалар тўплами. 188-190 б. (2013 йил 4-5 декабр) Тошкент-2013.

4.Белоусов М.А. Физиологические основы корневого питания хлопчатника. Ташкент-1964.

5.Жўрақулов Б., Абдурахимов Н., Нормуродов Б. Ингичка толали ғўзадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. Тошкент. “Фан”-1994.

6.Доспехов . Методика полевых опытов. УзНИИХ (2007).

